*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2009 йил 10 февраль • сешанба • № 6 (623) • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru • www.minjust.uz

// Адлия идораларида

## Фаол тарғибот

**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 йил 22 сентябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг февраль ойи давомида Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг барча ҳудудий бошқармаларида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзуида тадбирлар ташкил этилмоқда.**





Вазирлик ташаббуси билан Хоразм вилоятининг Урганч ахборот технологиялари коллежида ўтказилган матбуот анжумани амалий ва ижодий ҳамкорликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг матбуот бўйича масъул ходимлари, туман ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар, вилоятда фаолият юритаётган 30 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари ҳамда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари, тизим фаолияти ҳақида келтирган маълумотлари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидландики, 2008 йилда вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 369 та шикоят кўриб чиқилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга 298 та тақдимнома киритилди. Давлат бошқарув органлари, ташкилот ва муассасаларининг 29 та қарори ижроси бекор қилиниб, 286 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

2

# Аскар ҳушёр то абад – миллат озод, юрт обод!



Президентимизнинг жорий йил 6 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"**ги Қарорига асосан ёшларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан ҳарбий чақирув жараёнларини сифатли ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг **"Умумий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"**ги Қонунининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг миқёсда тарғиб қилиш учун Адлия вазирлигида ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Жойлардаги ҳудудий адлия бошқармалари масъуллари ҳамда **"Инсон ва қонун"** газетасининг вилоят мухбирлари ҳамкорлигида фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш олиб бориш учун чора-тадбирлар белгиланган.

Бир гектар экинзор пайҳон қилинса...



2

Бир бурдадан... 100 минг сўм



Келгуси сонда

Коммунал тўловлар



3

Қовун қовундан ранг олади...ми?



4

## Қонун ижодкорлиги

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Матлуба Маҳаметова билан "Қонун ижодкорлиги ва янги қонунларни қабул қилиш жараёнлари" мавзуида учрашув-мулоқот ўтказилди.**

УНДА депутат Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларининг тайёрланиши, мазҳур лойиҳаларнинг 1-,2-,3-ўқиш давомида мукаммаллаштириш, муҳокама жараёнлари, қабул қилинган янги қонун лойиҳаларининг Сенатда кўриб чиқилиши, иккала палата иштирокида тузиладиган келишув комиссиясининг вазифаси ҳақида батафсил сўз юритди, мавзуга доир мисоллар келтирди.

Тадбир давомида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Сарвар ОТАМУРОДОВ,**
**Низомий номидаги ТДПУ талабаси**

**БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" дея таъкидланган. Мазкур конституциявий қоида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлигидан далолат.**

## Доимий эътиборда

ПОП ТУМАНИ маданият саройида ўтказилган йиғилиш ана шу эзгу мақсадга қаратилди. Яъни, **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, ижроси ва гиёҳвандлик, диний экстремизм, терроризмга қарши курашишга бағишланди.

Иштирокчилар тилга олинган мавзулар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Бундай тадбир тумандаги 1 ва 10-умумтаълим мактабларида ҳам бўлиб ўтди.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Поп тумани ФХДЁ бўлими мудири**

## Тавсиялар берилди

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида "Тадбиркорларга ҳукумат томонидан яратиб берилаётган турли имтиёз ва қарорлар ижроси" юзасидан ўтказилган давра суҳбати қизғин фикр алмашишларга бой бўлди.**

ВИЛОЯТ адлия бошқармаси саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мазкур тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, тадбиркорлар, бош бошқарма вакиллари иштирок этдилар.

Шаҳардаги "Намуна" маҳалласида тўқимачилик цехини очиб, муваффақиятли иш юритаётган тадбиркор Ф.Қўшмуратова ҳукуматимиз томонидан берилаётган имкониятларни эътироф этиб, бу борадаги имтиёзлар уларни янада жонбозлик билан меҳнат қилишга ундашини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат якунида тадбиркорлар айрим муаммолар хусусида ҳам тўхталдилар ва уларнинг ечими юзасидан мутахассислар томонидан аниқ тавсиялар олдилар.

**Раъно БОБОЕВА,**
**Сирдарё вилояти "Никоҳ уйи" мудири**

# МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

## Фуқаролик паспорти берилди

**РЕСПУБЛИКА Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри Тинчлик кўчаси 1-уйда яшовчи Т.Пардаевнинг аризаси юзасидан хизмат текшируви ўтказилди.**

ЖУМЛАДАН, Самарқанд вилояти ИИБ ХЧК ва ФР бўлими томонидан 2009 йил 17 январдаги П-1-сонли алоқа хати билан ариза муаллифига паспорт ҳужжатлаштириш учун Булунғур тумани ИИБга келиб мурожаат қилиши лозимлиги тўғрисида маълум қилинди ва Т.Пардаевга Булунғур тумани ИИБ томонидан 2009 йил 22 январь куни СЕ 2818663 рақамли Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти ўрнатилган тартибда расмийлаштириб берилди.

**Б.ШОРИХСИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧК ва ФР бошқармаси бошлиғи, полковник**




**БУХОРО ШАҲАР, Давлатобод кўчаси, 21-уйда яшовчи фуқаро Ирода Тошеванинг аризаси юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.**

## Ер майдони ажратилди

ФУҚАРО И.Тошеванинг 2-гуруҳ ногирони эканлиги, оиласининг яшаш шароити оғирлиги ва шахсий уй-жойи бўлмаганлигини инобатга олиб, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари ажратиш (реализация қилиш) комиссиясининг қарорига асосан шаҳар ҳокими қарор қабул қилиб, унда фуқаро Ирода Тошевага якка тартибда уй-жой қуриш учун "Ўтрор" турар-жой мавзеидан 512м² ер майдони ажратилди.

**Қ.РУСТАМОВ,**
**Бухоро шаҳар ҳокими**

// Адлия аралашгач...

**ХАЛҚИМИЗ бу мақолни тез-тез тилга олади ва ҳаётда бу иборага амал қилади. Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидагилар эса бу мақолни унутиб қўйган кўринади.**

## Яхши отга бир қамчи...

БУНДАЙ дейишимизга асос бор, албатта. Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамаси қарорларига ҳамда Адлия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган **"Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари"**га риоя этилиши ва бу қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилиши ўрганиб чи-



қилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, тегишли чора-тадбирлар белгилаш, назорат тартибида иш юритиш борасида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига хат киритилган эди.

Соғлиқни сақлаш бошқармасининг жавоб хатида кўрсатилган хато ва камчиликлар муҳокама қилинганлиги ҳамда келгусида бундай ҳолат такрорланмаслиги баён этилган бўлса-да, галдаги текширишлар чоғида соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида бу қоидаларга умуман амал қилинмаганлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг, адлия бошқармаси томонидан вилоят наркология диспансери, асаб-руҳий касалликлар, вилоят суд тиббий экспертиза бюроларида аниқланган камчиликлар тўғрисида тақдимнома киритилгач, суд тиббий экспертиза бюроси кадрлар бўлими инспектори Назира Муратова, асаб-руҳий касалликлар диспансери кадрлар бўлими бошлиғи Соҳиба Исомиддинова ҳамда наркология диспансери ҳуқуқшуноси Дилмурод Ҳусановларга "ҳайфсан" интизомий жазо чоралари қўлланилди.

**Баҳодир ТИЛАВОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси ходими**

### Адлия идораларида

# Фаол тарғибот

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган 1793 мингга яқин турли хил ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Қизғин мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтган мазкур тадбир сўнгида Адлия бошқармаси томонидан ҳар чоракда матбуот анжуманларини ўтказишга келишиб олинди.

Анжуман давомида 2008 йилда ҳуқуқий тарғибот йўналишида вилоятда фаол иштирок этган жамоалар Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

***

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар”** мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда 2008 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш борасида қилинган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ошириш, ОАВ билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидландики, 2008 йилда “Ёшлар йили” Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Қорақалпоғистон Республикасида адлия идоралари ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида 41 та мақола чоп этилди, кўплаб кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилинди.

Шунингдек, жойларда аҳоли ўртасида 79 марта давра суҳбати, 38 семинар ва 193 учрашув ўтказилди.



Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ташкил қилинган “Ишонч телефони”га 2008 йилда 150 та мурожаат келиб тушди ҳамда улардан 4 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди ва 146 фуқарога ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Айни пайтда Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да белгиланган дастур ва режалар асосида қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўналишидаги муҳим вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

***

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг пойтахтимизда жойлашган “Наврўз” никоҳ уйида **“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар”** мавзуига бағишланган матбуот анжуманида сўзга чиққан ходимлар мазкур бошқарма фаолияти, ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик самаралари хусусида сўз юритишди. Таъкидландики, 2008 йилда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 2 минг 110 та ариза ва шикоят кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга 675 та тақдимнома, огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди.

Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш борасида адлия органларининг саъй-ҳаракатлари билан 10 миллиард сўмдан ортиқ даъво аризалари қаноатлантирилди. Қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 59 нафарини маъмурий жавобгарликка тортиш ва 25 нафарини вазифасидан озод этиш юзасидан тегишли идораларга таклифлар киритилиб, маъмурий жазо чоралари кўрилди.

Анжуманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан адлия идоралари томонидан олиб борилган ишлар бу борада бошқа масъул идоралар билан ҳамкорлик, “Ишонч телефони” фаолияти ва кўрилган чоралар юзасидан иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.



Анжуманда 2008 йилда тарғибот йўналишида фаол иштирок этган ёш тарғиботчилар гуруҳи аъзолари Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Мазкур матбуот анжуманларида Адлия вазирлиги ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот ишлари самарадорлигини янада ошириш юзасидан қатор таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилди.

Хусусан, маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистлари ва адлия идораларининг матбуот учун масъул ходимлари малакасини ошириш мақсадида жорий йилнинг апрель ойида Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус ўқув курслари ташкил этиш, ҳар бир вилоят маҳаллий телевидениеларида ҳуқуқий маданиятни тарғиб этишга қаратилган туркум кўрсатувлар тайёрлаш ҳақида тавсиялар ўртага ташланди. Шу билан бирга адлия тизими амалий фаолиятидан келиб чиқиб, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга айрим қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**Гулсумхон ШОДИЕВА,**
**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбирлари**

## Муҳим масалага бағишланди

**ЗОМИН ТУМАНИ**

**Зомин ҚФЙда “Одам савдоси ва унга қарши курашиш долзарб масала” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

ТАДБИРДА туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ФҲДЁ бўлими вакиллари ва нотариуслар қатнашди.

Сўзга чиққанлар 2008 йил 17 апрелда **“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши трансмиллий жиноятчиликка қарши олиб борилаётган тизимли кураш борасидаги давлатимиз сиёсатининг мантиқий давоми эканлиги, мазкур Қонуннинг 6-моддасига биноан, одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Республика идораларaро комиссия тузилганлиги ва унинг вазифалари ҳақида тушунтириш бердилар.

**Тўрабек ЗУЛИМОВ,**
**Зомин тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси**

**МАЪЛУМКИ, шартнома амалдаги қонунларимиз сингари бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжат саналади. Бинобарин, унинг талаб ва шартларига томонлар бирдек риоя қилишлари лозим. Аммо айрим хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари шартномага шунчаки ҳужжат сифатида қарашади. Натижада шартнома билан боғлиқ хўжалик низолари келиб чиқади. Албатта, ҳар қандай шартномани имзолашда ҳуқуқшунос хулосаси талаб қилинади.**

## Шартнома қонун демакдир

БЕШАРИҚ туманидаги Салимжон Марасулов номли ММТПда бўлиб ўтган **“Контрактация шартномаларини тузиш тартиби ва талаб қилинадиган ҳужжатлар”** мавзуидаги давра суҳбатида ана шулар хусусида сўз борди. Туман хусусий нотариал идораси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда ММТПнинг барча ишчи-ходимлари иштирок этиб, мавзуга оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Солижон БОЗОРОВ,**
**Бешариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

## Кўз қорачиғидек асраб

РИЗҚ-РЎЗИМИЗНИ увол қилмаслик, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ўлмас қадриятларимиздан бири. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги **“Қишлоқ хўжалик экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори ана шу эзгу мақсадга йўғрилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида мазкур қарор ижросини таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоят ички ишлар бошқармаси вакиллари, “Маҳалла” жамғармаси туман бўлимлари ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этдилар.

Семинарда Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Э.Шерматов, адлия бошқармаси бошлиғи Н.Янгибоев сўзга чиқиб, қарор ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар хусусида тўхталдилар.

Шунингдек, тут ва бошқа мевали дарахтлар кесилишининг олдини олиш, бундай дарахтларни экиш ва парваришлаш юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

**Ойдин АНОРОВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

**АНДИЖОН ШАҲАР ҳокимлигида “Ризқ-рўзимизни асрайлик” ҳамда “Одам савдоси – янги аср муаммоси” мавзуида бўлиб ўтган семинарларда Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, “Маҳалла” жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, барча туманлар қишлоқ ва сув хўжаликлари бўлимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, посбонлари иштирок этди.**

## Мавзу юзасидан фикр алмашишди

СЕМИНАР давомида меҳнаткаш ва фидойи деҳқонларимиз томонидан тайёрланиб, дастурхонга тортилаётган ризқ-рўзимиз асоси бўлган экинзорларни авайлаб-асраш, улар пайҳон қилинишининг олдини олиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида умумжаҳон миқёсида глобал муаммолардан бири бўлиб келаётган одам савдоси ва унга қарши курашиш, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш, одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр алмашилди.

**Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

## Фуқаро муҳофазаси

**ФАВҚУЛОДДА вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш юзасидан аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида кенг қамровли тушунтириш ишларининг олиб борилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.**

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги кўргазмали тадбир шу мавзуга — фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга бағишланди.

Тадбирда иштирок этган адлия бошқармаси, туман ва шаҳар ФҲДЁ бўлимлари ҳамда нотариал идоралари ходимларига бундай вазиятлар вужудга келганда, уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги вазифалар кўргазмали йўсинда намойиш этилди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ дастлабки кунлариданоқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга стратегик йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалигига молиявий, техник ва бошқа моддий ресурсларни йўналтириш билан биргаликда, ерларнинг аҳволини яхшилаш, улардан унумли фойдаланиш, серҳосил уруғлик етиштиришга эришиш, янги навлар устида ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни исроф қилмасдан йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш чоралари кўрилди.**

### Эл ризқи увол бўлмасин

# Бир гектар экинзор пайҳон қилинса...

## етказилган моддий зарарни оддий арифметик йўл билан ҳисоблайдиган бўлсак, муаммонинг қанчалик жиддийлигини билиб олиш қийин эмас

ЮРТИМИЗДА ҳар йили минглаб гектар ерларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бирга кўплаб дарахтлар экилади, ўрмонзорлар кенгайтирилади. Бунга эса кўплаб маблағ сарфланади. Лекин, афсуски, экинзору, дарахтзорларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳануз учрамоқда.

Бундай ноxуш ҳолатлар баъзи бир фуқароларимизнинг, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги, бефарқлиги, алоҳида ҳолларда эса уларнинг жиноятkорона ҳаракатлари оқибатида содир этилмоқда.

Дейлик, бир гектар экинзор ёки дарахтзор пайҳон қилиниши оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўзини (бой берилган даромад, кўп йиллик дарахтзорларга ҳар йилда қилинган харажатлардан ташқари) оддий арифметик йўл билан ҳисоблайдиган бўлсак, муаммонинг қанчалик жиддийлигини билиб олиш қийин эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилнинг 10 декабрдаги **“Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорида ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва бошқа манфаатдор идораларга бу ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган кескин чоралар кўриш, экинзорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш, зарар етказувчи ҳолатлар ва омилларга қарши курашиш, айбдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриш вазифалари юклатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддасида чорва моллари ёки паррандаларнинг экинзорларни пайҳон қилиши, далада тўплаб қўйилган ҳосилга зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказгани учун уларнинг эгалари бўлган фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда жарима белгилаб қўйилган. Худди шу моддада ушбу ҳуқуқбузарликни бир йил давомида такрорлаганлик учун янада қатъийроқ маъмурий жазо, фуқаролар энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахслар эса етти бараваригача миқдорда жаримага тортилиши қайд қилинган.



Экинзорлар пайҳон қилинган жойда ушланган чорва молларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилиши ҳамда фақат чорва моллари эгасига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жазо чоралари қўлланилиб, етказилган зарар тўлиқ ундириб олинганидан кейин улар қайтариб берилиши назарда тутилганлигини ҳам алоҳида айтиб ўтиш зарур.

Экинзор, ўрмон ва бошқа дов-дарахтларга шикаст етказганлик учун Жиноят кодексининг 198-моддасида ҳам жавобгарлик белгиланган бўлиб, кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, **энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.**

Оддий қилиб айтганда, бефарқлик ёки эътиборсизлик ризқу рўзимиз увол бўлишига лоқайд муносабатни англатади. Бу борада нафақат мутасадди кишилар, балки кенг жамоатчилик ҳамжиҳатликда иш олиб бориши она табиатимизни, ризқу рўзимизни асраб-авайлашга ёрдам беради.

**Қоржов ЧОРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

### Жараён

# Қонун ҳужжатларини ҳисобга олиш ва туркумлаш

**АМАЛДАГИ ҚОНУНЛАРНИ тўғри қўллаш, янги қонунлар яратиш ёки мавжуд қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда қонун ҳужжатларини туркумлаштириш муҳим аҳамият касб этади.**

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ туркумлашнинг мақсади ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, бир тизимга келтириш, фойдаланиш учун қулай қилиб жойлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, мазкур ишлар қонунчиликка қатъий риоя қилинишини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида Адлия вазири томонидан 2007 йил 14 июндаги **“Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш Қоидалари”** тасдиқланган.

Адлия органлари томонидан давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органларига қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини олиб боришдаги ишларни амалга оширишда яқиндан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Жумладан, ўтган 2008 йилда бошқарма томонидан вилоятнинг иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда солиқ бошқармаларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш йўналиши амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганилди.

Ўрганишда мазкур бошқармалар фаолиятида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилиши, аҳамиятга молик бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш тартиби, қонун ҳужжатларини тизимли сақлаш ва фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида классификатор бўйича кодлаштириш амалиётини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, 2009 йилда вилоят Табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилишига амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиш режалаштирилган.

Қонун ҳужжатларини туркумлаш норматив ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштиради.

Таъкидлаш жоизки, туркумлаш ишлари нафақат адлия органлари ва муассасаларида, балки бошқа давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиятлари фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллаши зарур.

**Шоҳистахон КАРИМОВА,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими**

**ГОҲИДА ҲАЙРОН қоласан киши, айрим кимсалар мансаб аталмиш “шоҳсупа”га ўтирдиларми, бас, оёқлари остидаги ерни унутиб қўядилар. Ачинарлиси, бу тоифадаги одамлар ҳаётимиз мезони бўлмиш қонун-қоидаларни менсимай, унга зид иш тутади. Йўқса, “Дилишкибола” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли “Чортут” маҳалласида яшовчи Мамаризо Исоқов ақли-ҳуши жойида, паст-баландни тушунган раҳбар бўла туриб, “осмонда худо, ерда раис” қабилида иш тутмаган бўларди.**

### Қонун ҳамма учун баробар

# Ўғрининг “ўйини” ўтмади

## ёхуд иссиқхоналарни газ тармоғига ноқонуний равишда улаб олганлар қилмиши хусусида

КЕЛИНГ, гапнинг индаллосига ўтайлик. Мамаризо Исоқов ўзи раислик қилган, “Чашма” фермер хўжалигига қарашли 0,17 гектар ер майдонига беш бўлимдан иборат иссиқхона қуриб, ўзбошимчалик билан табиий газ тармоғига уланиб олган. Иссиқхоналарга ўрнатилган 31 дона қўлбола иситиш печларига ёнғин хавфсизлигига зид равишда резина шланглари орқали табиий газ ўтказиб, газ таъминоти идораси манфаатларига 3.820700 сўмлик зарар етказган...

“Чортут” маҳалласида яшовчи яна бир фуқаро Шерали Ҳожиматов ҳам фермер хўжалиги раисидан “ибрат” олиб, 35x24 метр ҳажмли иссиқхонасига 75 кун давомида ноқонуний тарзда табиий газ улаб, туман газ таъминот идораси манфаатларига 3.989.580 сўмлик зарар келтирган.



Бундан ташқари, тумандаги “Найман” маҳалласида яшовчи Сафар Фармонов ҳам ўзига тегишли 0,5 гектар майдонда қурилган иссиқхонасида қарийб уч ой мобайнида табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келган. С.Фармонов ҳам ўзининг ушбу хурмача қилиғи билан давлатга 3 миллион 192 минг 840 сўм моддий зарар етказган.

Дунёда тош-тарози деган нарса бор. Ахир, табиий газнинг ҳам ўлчови, ҳисоб-китоби бор. Ана шу ҳақиқатни тушунган ҳолда айрим бойлик орттиришга муккасидан кетган айрим шахслар ўз манфаатларини бошқалар манфаатидан устун қўйиб, қонунга зид равишда, кўзбўямачилик ҳамда ўғирлик йўли билан кўпчиликнинг ризқини туя қилаётганларини қандай баҳолаш мумкин? Тўғри, юқорида номлари тилга олинган газ ўғрилари қонун олдида жавоб беришди.

Лекин фақат жазолаш ёки жарима солиш билан иш битмайди. Назаримизда биз фуқароларимизнинг маънавий тарбиясига кўпроқ эътибор қаратишимиз керак, шекилли. Ахир, фақат ўз манфаатини ўйлаб, ўзгалар манфаатига зарар етказганлар ҳам бегона эмас. Биримизнинг қўшнимиз, биримизнинг қариндошимиз улар. Шундай экан, уларни тўғри йўлга солишга ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

Қолаверса, бировнинг ҳақи, бир кун келиб барибир тешиб чиқади. Ота-боболаримизнинг ушбу пурмаъно ўгитларини ҳам ёдда тутсак ёмон бўлмайди, албатта.

**Учқун БУТУНОВ,**
**Пастдарғом тумани прокурори вазифасини бажарувчи,**
**Азим ҚОДИРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## Суд департаменти фаолиятига назар

# Ижро тизими

## ва уни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий аҳамияти

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2007 йил 1 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида Суд департаменти фаолиятини тубдан яхшилаш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини янада такомиллаштириш, умумюрисдикция судлари ва Суд департаменти тизимини моддий-техника ва молиявий жиҳатидан замон талаблари асосида таъминлаш юзасидан муҳим вазифалар белгиланди.**



МАЗКУР қарорлар ижросини таъминлаш, суд қарорларини сўзсиз ижро этишни таъминловчи таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, суд ижрочилари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, Суд департаментининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти танқидий таҳлил қилиниб, мажбурий ижро этиш механизмини янада такомиллаштириш, шунингдек, суд қарорларини ижро этишдан бўйин товлаш ҳолларини ва монелик қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида тайёрланган **"Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун лойиҳаси 2008 йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланди.

Ушбу Қонунда суд ижрочиларининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгиланди, ундирувга қаратиладиган мол-мулклар турлари кенгайтирилди ва ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулклар рўйхати аниқлаштирилди.

Шунингдек суднинг ҳал қилув қарорлари ижросидан бўйин товлаш ёки уларга монелик қилиш билан боғлиқ жиноятларни ўз вақтида бартараф қилиш ҳамда бундай ҳолат учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Суд департаментига суриштирув олиб бориш ваколати берилди ҳамда Суд департаменти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, суд ижрочилари мақоми кўтарилди.

Суд департаменти таркибида Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси ташкил этилган бўлиб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш устидан тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш йўлга қўйилди.

2007 йил 1 декабрдан суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилган бўлиб, ижро йиғими маблағлари Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилмоқда.

Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2007–2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, айни пайтда мазкур дастур ижроси изчил таъминланаётир.

Буларнинг барчаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу эса фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, уларнинг судга бўлган ишончини кучайтиришга ҳизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**Отабек НОРОВ,**
**Республика Суд департаменти ички хавфсизлик инспекцияси бўлими бошлиғи в/б**

# Оталар масъулияти

## фарзандлар камолини белгилайди

**ИНСОН ОИЛАДА шаклланади, тарбия топади, олган тарбияси билан жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади.**

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ 64-моддасида **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"**, деб белгиланган. Бу бизнинг азалий қадриятларимиздан биридир. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳаётда бурчларини бутунлай унутиб қўйган, ўз зурриёдини қаровсиз қолдириб, фақат ўзини ўйлайдиган ота-оналар ҳам учраб турадики, бу асло кечириб бўлмас ҳолдир.

Айнан шунинг учун ҳам бундай ота-оналарга нисбатан давлатимиз томонидан тегишли жавобгарлик масъулиятини ҳис эттириш чоралари қўлланилади. Жумладан, Оила кодексининг 94-моддаси талабига кўра, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт бўлиб, агарда вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаса, ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент мажбурий тартибда бола вояга етгунича, яъни 18 ёшга тўлгунга қадар ундирилади.

**"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ судларнинг қарорлари, шу жумладан, алимент ундириш ҳақидаги қарорлар мажбурий ижросини Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг жойлардаги суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Алимент ундириш тартиби эса Оила кодексининг 5-бўлимида белгиланган. Унда қайд этилишича, агар қарздор ишласа, алимент унинг иш ҳақига қаратилади. Лекин алимент тўлаши лозим бўлган шахс расмий равишда ҳеч қаерда ишламаса, у алимент тўлаш мажбуриятидан озод этилмайди. Бундай ҳолларда ўртача ойлик иш ҳақи ҳисобидан алимент ундирилади.

Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасининг жойлардаги бўлимлари томонидан бу йўналишда қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Лекин суд қарори чиқарилган бўлиши ҳамда суд ижрочилари томонидан алиментни ўз вақтида тўламаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, алимент тўлашдан бўйин товлаб келаётган, яшаш жойини яширган оталар ҳам борки, уларни қандай номлашни билмайсан, киши.

Ўтган 2008 йилнинг биринчи чорагида бундай оталардан 164 нафарига нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноят иши қўзғатиш масаласи ҳал этилган, 48 нафарига нисбатан суд ижрочилари томонидан қидирув эълон қилинган.

Маълумки, Жиноят кодексининг 122-моддасида уч ой давомида алимент қарзини тўлашдан бўйин товлаган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик масаласи белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фарзандларимиз бизнинг келажагимиз ва эртанги ҳаётимизнинг яратувчилари экан, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашдек бурчимизни ёддан чиқармайлик.

**Норкул САФАРОВ,**
**Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари**



# Коммунал тўловлар

## қарздорликни бартараф этиш чоралари хусусида

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига кўра, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, суд ижрочиларининг ваколат доираси янада кенгайтирилди.**

ШУНИ таъкидлаш лозимки, қабул қилинган мазкур Қонун суд ижрочиларининг иш сифати ва кўламига ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.



Коммунал тўловлар бўйича таҳлилларга назар ташласак, Тошкент вилояти суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари иш юритувига юридик ва жисмоний шахсларга етказиб берилган электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни ундириш тўғрисидаги 82.894 та 35 миллиард 047 миллион 415 минг сўмлик ижро ҳужжатлари тақдим қилинган. Суд ижрочиларининг иш юритувида мавжуд бўлган муддати ўтган дебитор қарздорлар ҳатловдан ўтказиш ва аниқланган қарздорликлар ундирилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш ҳамда фуқаролик судлари қарорлари асосида истеъмолчилардан ундирилиши лозим бўлган пул маблағлари тўланишини таъминлаш ва бу борада ҳар бир фуқаро билан алоҳида иш олиб бориш лозимлиги белгиланди. Шу муносабат билан электр энергияси ва табиий газдан бўлган қарзларни ундириш бўйича бир ой муддатга ишчи гуруҳи тузилиб, унинг аъзолари ҳудудларга бевосита чиқиш орқали қарзларни ундиришни амалга ошириши юклатилди. Мажбурий ижрони таъминлашда тегишли ваколатли органлар (судлар, солиқ ва божхона органлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, банклар) билан ҳамкорликда ишлаш ташкил этилди.

Суд ижрочилари томонидан олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида мазкур тоифадаги ижро ҳужжатлари қонунда белгиланган муддатда ва сифатли ижро этилиб, қарздорлардан жами 63.108 та 29 миллиард 888 миллион 999 минг сўмлик ижро ҳужжатларининг ижроси таъминланган. Ҳозирда суд ижрочилари томонидан коммунал тўловлар бўйича қолган қарздорликларни ундириш юзасидан тегишли мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ундирув қандай кўринишда ва қанча миқдорда амалга оширилган бўлишидан қатъи назар, суд қарори тўлиқ ижро қилиниши шарт.

Гап кимнинг қарз суммаси кўп ёки камлиги ҳақида эмас, балки ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчини бажариш тўғрисида бормоқда. Зеро, Бош қонунимизнинг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур эканлиги белгиланган.

**Салим МЕЛИҚУЛОВ,**
**Суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бош инспектори**

## Таҳлил

# Асоссиз текширишларга ўрин йўқ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА республикамизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклаш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари муҳим воқеа бўлди.**

МАЗКУР ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга мувофиқ тадбиркорлик субъектларига нисбатан бир қатор ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат суд орқали амалга оширилиб, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) ваколатига эга бўлган назорат органлари ва режали текширишлар даврийлиги қатъий белгилаб қўйилди.



Фармонларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кўрилаётган чоралар туфайли текширишлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган **"Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштирилган режа-жадвалларини шакллантиришнинг аниқ асосланган тамойиллари"** асосида тузилган режа-жадвалидаги текширишлар сонини таҳлил қиладиган бўлсак, режали комплекс текширишларда 2005 йилда 1 та субъектда ўртача 3,4 та назорат органининг текшириши мувофиқлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилга келиб 1 та субъектга 2,8 назорат органи, 2008 йилнинг 9 ойига келиб, 1 субъектга 2,4 та назорат органи тўғри келиши таъминланди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармони билан тасдиқланган Дастурга (5.8-банд) биноан 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар сонини камида 30 фоизга қисқартириш белгиланган. Бугунги кунда Бухоро вилояти ҳудудий комиссияси ишчи гуруҳи томонидан 2009 йил текширишлар режа-жадвали лойиҳасини тузиш жараёнида ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларни 2008 йилга нисбатан 30 фоизга қисқартириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Текширишларни мувофиқлаштириш республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан вилоятимизда 2008 йилнинг ноябрь ойида солиқ идоралари томонидан 48 та корхона ва ташкилотда текширишлар ўтказилган бўлиб, ушбу текширишларнинг 45 тасида ёки 95 фоизида турли хил қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Айрим корхона ва ташкилотлар томонидан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХСМ)ни чуқур ўзлаштирмаганликлари натижасида ҳисобхона ҳисоботлари юритилишида ва солиқ қонунларига риоя этилишида хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳамда Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорлари талаблари бузилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят Давлат солиқ органлари томонидан 2009 йилнинг 1-чорагида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобчилари иштирокида иқтисодий ўқишлар ва семинарлар ўтказиш режалаштирилмоқда.

**Акмал РАЖАБОВ,**
**Текширишларни мувофиқлаштириш Бухоро вилояти ҳудудий комиссияси котиби, вилоят Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи,**
**Дилором ҲАЛИМОВА,**
**вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи**

**АНЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН Навоий шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жамила Расулова билан бирга меҳнат қилиб, у кишидан соҳага оид кўп билим ва тажрибаларни ўрганиб келаман. Жамила опа менга устоз мақомида. Билганларини ўргатишдан асло эринмайди. Идорамиздаги барча ишларнинг намунали йўлга қўйилиши учун тиним билмай ҳаракат қилади.**

## Эҳтиром

# Эл хизматида

ОПАНИНГ ишга виждонан ёндашуви, соҳага оид катта тажрибага эгалиги, бу ерга келган мижозларнинг иши тез ва сифатли битиши туфайли идорамиздан одам узилмайди. Жамила опадаги ишга бўлган талабчанлик бизга ҳам масъулият юклайди. Айни пайтда биз билан бирга ишлаётган стажёр нотариус Дилдора Очилова, иш юритувчи Замира Казакова каби ҳамкасбларимизда ҳам ишга ана шундай масъулият ҳисси билан қараш одати шаклланган, десам, муболаға бўлмайди.

Жамила Расулова узоқ йиллар Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани ФҲДЁ бўлими мудираси, туман прокуратураси инспектори, прокурор ёрдамчиси, Навоий шаҳри ва вилоят суди судьяси, шаҳардаги "Адолат" адвокатлик бюроси раҳбари каби жиддий вазифаларда ишлаб, обрў-эътибор топган. Қаерда, қандай лавозимда ишламасин, доимо ҳалол меҳнати билан тилга тушган.

Айни пайтда, 4-5 йилдан буён хусусий нотариус сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамила опа кам таъминланган оилаларга ва меҳрибонлик уйига кўрсатиб келаётган ҳомийлик ёрдами ва бошқа қатор хайрли ишлари билан ҳам эл-юрт дуосини олиб келмоқда. Бизнинг Жамила опадек тажрибали ҳуқуқшуносдан ўрганадиган жиҳатларимиз ҳали жуда кўп.

**Дилобар ХЎЖАНОВА**

## Қилмиш

# Ҳаводан пул ясадилар...

## Лекин...

**ҲАЛИМ ШОФИРКОН тумани бозорини юрак ҳовучлаб ўтиб, дарвоза олдига келганда тўхтаб орқасига қаради. Бозорда одам гавжум. Сотувчи ҳам, олувчи ҳам ўзи билан ўзи овора. Ҳеч кимнинг у билан иши йўқлигини билса ҳам ҳар эҳтимолга қарши четроққа ўтиб, бироз дам олиб туришга қарор қилди.**

— ИШҚИЛИБ, Комил сезмаган бўлсин-да? Қаердан ҳам биларди. Шунча пул ичида ўтади-кетади! — дея ўзини тинчлантирди Ҳалим. — Бошланиши чакки эмас. Бир ҳисобда пивохонада одамлар кўп бўлгани ҳам яхши бўлди. Шериги Мўмин билан беш дона бир хил серияли 500 сўмлик пулни сотувчи Комилга ўтқизишганидан ўзича фахрланиб ҳам қўйди. Қани энди бировга айтиб бўлса-ю, бир мақтанса.



Халим шундай "ширин" хаёллар билан бозор кираверишида анча турди. Биров кимсан демади... Режаси осонгина амалга ошганидан кўнгли тўлган Халим катта кўча томонга қараб юрди. Орадан икки соатлар ўтгач икки ҳамтовоқ белгиланган жойда яна учрашдилар.

— Биласанми, Мўминтой бугунга режа туздим, — деди Ҳалим бўшатилган учинчи пиёлани стол устига аста қўяр экан. Ана улардан бештаси жойини топиб кетди. Ҳеч ким билмади ҳам.

— Энди мингталикка ўтамиз. Майдалашиб ўтирамизми, нима дединг? — ўсмоқчилаб сўради Мўмин.

Оғайнилар бир-бирини маъқуллаб, бош ирғашди...

Орадан кўп ўтмай улар Шофиркон тумани Мухтор Ашрафий кўчасидаги бино олдида пайдо бўлишди. Шу куни бинода мавжуд бўлган компьютер ва бошқа махсус қурилмалар ёрдамида серия рақамлари бир хил бўлган 3 дона минг сўмлик, 130 минг 500 сўм 500 талик қалбаки пуллар ясалиб, ўзаро тақсимланди.

Қилаётган ишларидан янада "илҳомланган" жиноий гуруҳ аъзолари янги режалар оғушида эдилар.

— Менга қара, Мўмин, кечга томон бир иш қиламиз. Биласан, оқшомлари пивохона янада гавжум бўлади. "Операцияни" яна бир марта синовдан ўтказамиз. Ундан кейин "оптом"га ўтамиз. Кўраяпсанми, ошиғимиз доимо олчи.

Дарҳақиқат, 2008 йил 27 июль куни кеч соат 21 ларда икки ҳамтовоқ дўстлари Жаҳонгир, Жасур ва Шерали билан Шофиркон тумани Хўжа Ориф кўчасида жойлашган Баҳодир Каримовга қарашли "Баҳодир-Карим" хусусий ошхонасига кириб бордилар. Дўстлар ўриндиқларни эгаллагач, Ҳалим қўли-қўлига тегмай пиво билан савдо қилаётган Комилнинг олдига бориб уни синовдан ўтказди. — Бояги пивонинг мазаси оғзимда қолганди. Биласан, бозор куни катта қора молимни Ботир қассобга етаклатиб юборгандим. Болалар қўйишмади. Ҳақ бергани олиб келавердим. Юраги така-пука бўлаётган бўлса ҳам устамонлик қилаётган Ҳалим, Комилни унга унчалик аҳамият бермаётганлигидан кўнгли таскин топди. "Бўлмаса, боя келганимни ҳам шама қилдим-ку", ўйлади Ҳалим.

Улфатчилик анча давом этди. Шу кеча ҳақиқий пуллар орасида серия рақамлари бир хил бўлган етти дона 500 сўмлик қалбаки пуллар ҳам қўлдан ўтди.

"Қинғир иш келтирар ташвиш", деган гап бекорга айтилмаган.

Уюшган жиноий гуруҳ кирдикорлари эртаси куниёқ маълум бўлди. Уй ва чорбоғлар, қатор дискотека ҳамда компьютер хоналари тинтув қилинганда 129 минг 500 сўм қалбаки пул, пул қоғозлари ва кўплаб асбоб-ускуналар далилий ашё сифатида давлат ҳисобига ўтказилди.

Айбдорлар қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтадилар.

**Набижон СОЛИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Шофиркон тумани суди раиси**

## Халқаро меъёр

**"ИММУНИТЕТ" мазмунида, аввало, хизмат хоналарининг дахлсизлиги, дипломатларнинг ўз ҳукумати, ваколатхоналари ва консулликлари билан тўсиқсиз алоқада бўлиш ҳуқуқи, юрисдикциядан истисно этилган давлат вакилларининг шахсий ва турар-жойлари дахлсизлиги англашилади.**

# Дипломатик иммунитет нима?



### Мазкур тушунчанинг мазмуни ва моҳияти хусусида

БУЛАР СИРАСИГА хушмуомалалик имтиёзи, яъни муайян эҳтиромлар кўрсатилиши, ўзининг биносида ва экипажида ўз давлати байроғидан фойдаланиш, хизмат вазифасини бажараётган бино эшикларига ўз мамлакатининг герби ёки эмблемаси туширилган лавҳаларни илиб қўйиш ҳуқуқлари ҳам киради.

Бизнингча, "дипломатик иммунитет" атамаси замирида имтиёзлар ва иммунитетлар мажмуи иборасининг туб моҳияти ифодаланганини тушуниш лозим. Бундан ташқари, масалада "демократия" тушунчасидан келиб чиқиш керакки, кенг маънода бу тушунча мазмунида биз давлат ёки миллат (давлатчилиги шаклланаётган паллада)нинг вакиллик бўйича расмий фаолияти, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, тинч йўл билан ташқи сиёсий мақсадларига эришишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя этилишини ҳам назарда тутамиз. Тор маънода эса, дипломатия — бу усталик билан музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузишни англатади.

Шу маънода, "дипломатик иммунитет" тушунчаси халқаро ҳуқуқ субъекти, давлатлар раҳбарлари, ҳукуматлар бошлиқлари ва аъзолари, парламент аъзолари, давлатлар ёки миллатларнинг дипломатик вакиллари, халқаро ташкилотлар қошидаги вакилларнинг бошлиқлари ва доимий аъзолари, халқаро расмий шахслар, учрашувлар ва конференцияларнинг раҳбарлари ҳамда делегациялари аъзоларига нисбатан ҳам қўлланса тўғри бўлади.

Албатта, имтиёз билан иммунитетни бир-биридан фарқлаш лозим. Имтиёз деганда давлатларнинг раҳбарлари ва вакиллари сифатидаги айрим хорижликларнинг алоҳида ҳуқуқий имтиёзлари назарда тутилади. Бу имтиёзларнинг энг муҳимлари сирасига: дахл этиш ва ҳақоратланишдан кучли ҳимоя қилиниш ҳуқуқи; муайян вазиятда махсус рамзлар ва эмблемалар (масалан, ўз мамлакати байроғи)дан фойдаланиш ҳуқуқи; хориж билан алоқада ўзининг махсус алоқа воситалари (курьерлар, шифрланган хабарлар)га эга бўлиш ҳуқуқи; юқори даражадаги учрашувлар ўтказиш ва бошқа ҳуқуқлар киради.

**Равшан УМАРОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

## Муаллифлик ҳуқуқи

# 2 миллион сўмлик ёки 700 минг дона

### контрафакт дисклар йўқ қилинди

**БУГУНГИ КУНДА муаллифларнинг фан, адабиёт, санъат асарлари давлат ҳимоясига олинган.**

**Замонавий ахборот технологияларининг ривожланиб бориши ва жамиятимиз ҳаётига шиддат билан кириб келиши муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.**

2006 ЙИЛДА **"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"**ги Қонун кучга кирди. Мазкур Қонуннинг 19-моддаси муаллифнинг мулкий ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, унда жумладан шундай дейилади:

**"Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга.**

**Юридик ва жисмоний шахслар, ушбу Қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин".**

Республика Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси ва ваколатли ташкилотлар билан биргаликда Республика муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги контрафакт маҳсулотларни аниқлаш ва йўқ қилишда бирмунча самарали ишларни амалга оширмоқда. Ана шундай амалий ҳамкорлик натижасида ўтган йили 3000 дан зиёд тадбир ўтказилган бўлиб, жами 2 миллион сўмлик, қарийб 700 минг дона контрафакт дисклар йўқ қилинди.

Мамлакатимиз интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш юзасидан қатор халқаро ташкилотлар ва конвенцияларга аъзо бўлган. Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (БИМТ), Берн конвенцияси шулар жумласидандир. Муаллифлик ҳуқуқига оид барча масалаларни ечишда республикамиз улар билан тенг ва ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида қатнашиб келади. Ушбу масалада бошқа давлатлар билан ҳам алоқалар ўрнатилган.

Юртимиз интеллектуал салоҳияти ниҳоятда юксак экан, уни кўз қорачиғидек асраш нафақат республика муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигининг, балки барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги матбуот котиби**

## ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ




### Душман сўзига ишонмаслик ҳақида

**АЗИЗИМ, душманнинг ёлғон, нурсиз сўзларига ишониб, йўлдан чиқма. Унинг сохта таъзими, нозик хушмуомалалари, мақтовининг ростлигига бовар қилиб, кўнглингни хушлама. Чунки душман ўз қиёфасини сенга ёқимли қилиб кўрсатиш учун минг хил рангга кириб товланади. Бироқ ҳеч вақт унинг қалбидаги адоват ранги ўзгармайди. Бинобарин, айтадиларки:**

***Байт***
***Ғаним дўстлик, муҳаббатдан ураркан дам***
***Аёнким, холи эрмас ул ғараздин ҳам.***
***Илонким хилланур боз ташлабон пўст.***
***Заҳардин холи бўлмас, бўлмағай дўст.***

***

Донишмандлар айтадиларки: "Синалмаган дўстдан кўра, синалган душман яхши". Азизим, ҳаммага ишонма, ишончни арзон қилма. Чунки мол оласи ташида, одам оласи ичида бўлади.

***Байт***
***Бул замонда йўқ ишонч ҳаттоки чин дўстга ажаб,***
***Баски душмандан қилурсан беҳуда нелар талаб?***

(Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асаридан олинди)

**Ж.ЭСОНОВ тайёрлади**




# Текшириш муддати

**САВОЛ: Корхонамизда яқинда ваколатли орган томонидан текшириш ўтказилди. Айтинг-чи, навбатдаги текшириш қачон ўтказилади?**

**"Гулруҳ" ЁАЖ аъзолари**

ЖАВОБ: Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади;

янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди;

ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан, пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

**Саволга Адлия вазирлигининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси**
**Отабек АЗИМОВ жавоб берди.**

## Юрт манзаралари



## Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин

# Қовун қовундан ранг олади...ми?

### айрим машина-трактор паркларидаги кўзбўямачиликлар ва электр энергиясидан қарздорликлар хусусида

**"НИШОН" машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти раҳбарлари ушбу қинғир ишга қўл урганида сири фош бўлишини хаёлларига ҳам келтиришмаган кўринади. Йўқса солиқдан 37000,6 минг сўм пул яшириб қолинмаган бўларди. Агар солиқчилар бу хуфёна хатти-ҳаракатни аниқламаганларида ким билади, бу фаолият қанча давом этарди?! Оқибатини ўйламаган бу корхона раҳбарлари давлат хазинасига 37000,6 минг сўм тўлашга мажбур бўлдилар.**

ҚОВУН-ҚОВУНДАН ранг олади, деганларидек, "Усмон Юсупов муқобил машина-трактор парки" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари ҳам 9700,0 минг сўмни солиқдан яшириб, юзлари шувут бўлди. Ҳуқуқбузарлардан тўловлар бўйича 1500,0 минг сўм бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча ҳисобланиб, тўлиғича ундириб олинди.

"Пахтаобод ММТП" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари ҳам ҳамкасбларидан "ўрнак" олишган кўринади. Агар шундай бўлмағанида 9100,0 минг сўмни солиқдан яширмаган бўлардилар. Пировардида улардан яширилган сумманинг 100 фоизи миқдорида бюджет тўлови ундириб олинди. Шунингдек, мазкур МЧЖдан тўловлар бўйича 200,0 минг сўм бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга қўшимча ҳисобланиб, тўлиғича ундириб олинди. «Гидроқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ҳам солиқдан яширилган 4200,0 минг сўм маблағнинг 100 фоизи миқдорида бюджет тўлови ундирилди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги **"Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талаблари бўйича туман электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган рейдларда бир қатор корхоналарнинг электрдан қарзи ортиб бораётгани маълум бўлди. Ҳозирги вақтда туманда рўйхатдан ўтган юридик шахс мақомига эга истеъмолчилар 819 нафарни ташкил этади. Уларнинг 249 таси ташкилотлар, 13 таси МТПлар ва 557 таси фермер хўжаликларидир. Рейд натижаларига эътибор қаратсак, тумандаги "Ч.Бегимқулов ММТП" масъулияти чекланган жамиятида 1478,0 минг сўмлик муддати ўтган қарздорлиги мавжудлиги аниқланди. Бу ҳолат бўйича туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан корхона бош ҳисобчиси 250400 сўм маъмурий жаримага тортилди.

Халқимизда дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин, деган мақол бор. Тумандаги электрдан қарзи ортиб бораётган корхона раҳбарлари бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришса фойдадан холи бўлмасди. Шу жиҳатдан олганда солиқ инспекцияси томонидан 262 та муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган корхона ва ташкилотларнинг 270897,0 минг сўмлик электр энергиясидан қарзлари уларнинг мол-мулкидан ундириш учун суд ижрочилари бўлимига юборилди. Ҳозирга қадар мол-мулкдан 1,2 минг сўм ундирилди.

Яна бир жиҳат ҳақида гапирадиган бўлсак, туман электр тармоқлари корхонаси билан ўтказилган рейдларда 5 та ҳолатда 4021,8 минг сўмлик электр энергияси ноқонуний истеъмол қилинганлиги маълум бўлди.

Солиқлар мамлакатимизнинг иқтисодий таянчи. Шу юрт, шу замин равнақи учун хизмат қилишга бел боғлаган инсон борки, солиқ тўлашни ўзи учун масъулият ва бурч деб билиши зарур.

**Қурбон ОЛЛАЯРОВ,**
**Нишон тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи,**
**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

## Ўқинг, қизиқ!

# ОТЛАР ТАРИХИ

**ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА муҳим рол ўйнаган ҳайвонлардан бири отдир. Кейинги минг йилликлар тарихида, кўчманчи қабилалар, соҳибқиронлар, рицарлар ва аскарлар ҳаётини отларсиз тасаввур қилиш қийин.**



ОТЛАРНИНГ аждодлари тарихи миллион йилларга бориб тақалади. Отларни биринчи бўлиб кимлар қўлга ўргатганлигини аниқ айтиш қийин. Инсон дастлаб отларнинг гўштини истеъмол қилган, холос. Бу отлардан ҳаракат воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини англашимизгача бўлган даврни ўз ичига олади. Илк бор отларнинг суратини ғор одамлари бундан 15 минг йил олдин тошларга чизиб қолдиришган. Бу суратлардаги отлар насли ҳозирги монгол отларини эслатади.

Маълумотларга қараганда, отларни дастлаб Марказий Осиёдаги кўчманчи қабилалар қўлга ўргатган. Сўнгра бу отлар Европа ва Кичик Осиёга кириб келган. Эрамиздан 3 минг йил олдин Вавилонда отлар бўлганлигини ҳам тарихчилар ёзиб қолдиришган.

Отларнинг тоза қонли насли, деб араб отларига айтилади. Юлий Цезар Британияга ҳужум қилганда катта бўлмаган, кучсиз отлар бор эди. Кейинчалик рицарлар даврига келиб катта ва кучли отларга муҳтожлик сезилди, шу хилдаги отлар кўпайтирилди.

Порох кашф этилгач, тезликни енгиш масаласи биринчи ўринга чиқди ва дунёдаги барча қўшинларда чопқир отларга эҳтиёж сезилди. Шунинг учун араб давлатларидан отлар келтирилди ва насли яхшиланди.

Наслли отларни рўйхатга олиш 1791 йилда Англияда бошланган бўлиб, ҳозиргача давом этаяпти. От спорти дунёдаги барча мамлакатларда бўлиб, кўпгина давлатларда отларга ҳайкаллар қўйилган...

**Интернетдан**
**Шукур СОДИҚ таржимаси**

## ЭЪЛОН!

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги 2-сонли Элликқалъа тумани давлат нотариал идораси нотариуси;**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси;**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси Конимех туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимларига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Навоий вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8-361) 223-15-82, 223-81-27.**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 269-14-45, 262-70-41.**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-436) 223-01-38, 223-95-90**

Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Нурали ЭРГАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оиласига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси **Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-115. Тиражи — 21961. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00 t — тижорат мақола.
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-70-65, Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5 6 8